



## NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMILIGI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh.k 48, tel: (79)523-13-42, [nurota@nv.uz](mailto:nurota@nv.uz)

### Нурота туманида 2023 йилда Иқтисодиёт комплексига амалга оширилган ишлар тўғрисида

#### МАЪЛУМОТ

##### **1. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар.**

Нурота туманида 2023 йил учун муҳим бўлган устувор вазифаларни ўз вақтида ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида, жорий йилнинг январ, декабр ойларида туманнинг саноат маҳсулотлари 108,5 фоизга (365,8 млрд.сўм), халқ истеъмол моллари 105,3 фоизга (268,7 млрд.сўм), чакана савдо айланмаси 108,9 фоизга (432,8 млрд.сўм) Қурилиш ишлари 192,5 фоизга (865,3 млрд.сўм) ва хизматлар ҳажми 109,3 фоизга (419,3 млрд.сўм) ўсиши кузатилди.

Саноат соҳасида умумий қиймати 100,0 млрд.сўм (ўз маблағи 30,7 млрд.сўм, банк кредити 9,3 млрд.сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5,0 млн.доллар, хорижий кредитлар 24,0 минг.доллар) га тенг бўлган 14 та лойиҳалар ишга туширилиб 328 нафар иш ўринлари яратилди.

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 8 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 2,4 млрд. сўмга, текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 млрд. сўмга, мебель ва қоғоз саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 100,0 млн. сўмга, фармацевтика саноати маҳсулотлари 1 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1750,0 млн. сўмга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (темирдан ҳар хил буюмлар) саноати маҳсулотлари 1 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 83,0 млн. сўмга, ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

- Жорий йилда туманимизда янги конларни ўзлаштириш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан тумандаги Сувлик МФЙда 3 та гранит конлари, Деҳибаланд, Нур фаҳр, Истикбол МФЙларидан 1 тадан мармар конлари ҳамда А.Темур МФЙда 1 та кум шағал жами 7 та янги конлар аукцион савдолари орқали тадбиркорлар ҳамда хорижий корхоналарга сотилди. Ҳозирда ушбу конларда геология қидирув ишлари олиб борилмоқда.

##### **2. Аҳоли бандлигини таъминлаш.**

Туманда 2023 йил Январь декабрь ойларида аҳолини доимий, вақтинчалик ва

мавсумий ишларда банд қилиш мақсадли кўрсаткичлари асо сан йиллик режа 21093 мингта режалаштирилган бўлиб, йил давомида 22795 тага бажарилиб бу кўрсаткич 102.7 фоизга бажарилган.

Туманда 2023 йил давомида жами 746 нафар фуқаро хориждан қайтган бўлиб, 746 нафари мониторингдан ўтказилиб, 570 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шундан, 23 нафари вакант ва янги яратиладиган иш ўринларига жойлаштирилди, 190 нафарига ўзини ўзи банд қилишда кўмаклашилди, 24 нафарига тадбиркорликка жалб қилиш ва кредит ажратилишида кўмаклашилди, 1 нафари субсидия бериш орқали бандлиги таъминланди, 3 нафари касбга ўқитилди, 10 нафари мустақил равишда ишга жойлашган ва 314 нафарининг норасмий секторда бандлиги таъминланган.

2023 йил давомида 743 нафар (шундан аёллар 527 нафар, ёшлар 284 нафар) ишсиз фуқаролар Қамбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқишга жалб қилинди.

Шунингдек Навоий шаҳри “Ишга марҳамат” Мономаркази томонидан 16 нафар тингловчилар (Сервис ва хизмат кўрсатиш, техник, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологияларни ўргатиш соҳалари бўйича) касб-хунарга жалб қилиниб ўқитилди.

Бундан ташқари "Қизилтепа қурилиш коллежи" томонидан 39 нафар хорижда ишлаш истаги бўлган шахсларни қурилиш йўналишлари бўйича талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга жалб қилинди.

Шунингдек Нурота туман “Ишга марҳамат” Мономаркази томонидан 688 нафар тингловчилар (Сервис ва хизмат кўрсатиш, техник, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологияларни ўргатиш соҳалари бўйича) касб-хунарга жалб қилиниб ўқитилди.

### **3. “20 минг тадбиркор 500 минг малакали мутахассис” дастури**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 12 июндаги ПФ-93-сонли фармонида асосан ташкил этилган “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида туманда 2023 йил давомида корхоналар томонидан 185 та янги иш ўрни яратиш режаси берилган.

Бугунги кун ҳолатига 15 та корхона томонидан 205 та иш ўринлари яратилиб, режа 110,8 фоизга бажарилди.

### **4. Кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича.**

2023 йилда “ҳоким ёрдамчилари” томонидан 1310 та фуқарога 35.6 млрд.сўмлик имтёзли кредит маблағлари учун ижобий хулосалар берилган.

Шундан, тижорат банклар томонидан 1197 та фуқарога 58.9 млрд.сўмлик, кредит маблағлари чиқарилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди, қолган фуқароларга ҳам кредит маблағларини чиқариш ишлари олиб борилмоқда.

Туманда 2023 йилда субсидия бўйича жами 559 та ариза келиб тушган, 328 тасига (скоринг) тизимида рад жавоби берилган, 176 тасига ҳоким ёрдамчилари томонидан ижобий хулоса берилиб, 55 та ариза туман маркази ва ҳудудий бошқарма томонидан рад қилинган.

Нурота туманида 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар

қолдиғи 30.304 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига 14.619 млрд сўмни ташкил этмоқда. Яъни туман прокуратураси, туман мажбурий ижро бюроси, ИИБ бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган хатлов ишлари натижасида муаммоли кредитларни ўтган йилган нисбатан 15,685 млрд сўмга камайтиришга эришилди.

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралда “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарори** бўйича 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-57-сонли қарор ижросини мониторинг қилиш мақсадида туманда алоҳида “штаб” ташкил этилган.

Ушбу штаб аъзолари томонидан ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига, тадбиркорларнинг бино ва иншоотларида, аҳоли хонадонларида, янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларга кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатилиши юзасидан кунлик мониторинг ишларини олиб борилмоқда.

Жумаладан туманда Ижтимоий объектларга 969 кВт соат, 31 та маҳаллада 200 та аҳоли хонадонларига 200 кВт соат, 80 та тадбиркорлик субъектларининг биноларига 140 кВт соат жами 1309 кВт соат қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштириб олинган бўлиб, бугунги кунга қадар амалда тумандаги ижтимоий соҳа объектларига жами 662 кВт аҳоли хонадонларда 175 кВт соат, тадбиркорлик субъектларининг биноларига 211 кВт соат, жами 1048 кВт соат қуёш панеллари ўрнатилиши таъминланди.

Худди шунингдек, Аҳоли хонадонларига 400 литр, Ижтимоий соҳа объектларига 6600 литр жами 7000 литр сув иситиш коллекторлари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 30 та ижтимоий дафтарларда рўйхатга олинган эҳтиёжманд оилалар хонадонларига жами 2600 литр қувватдаги режага нисбатан 650 фоизга қуёш коллекторлари ўрнатиб берилиши таъминланди. Аҳолига режалаштирилган 760 тонна кўмир маҳсулотидан 550 тонна кумир маҳсулоти олиб келиниб, мавсум бошидан 400 тонна (73%) кўмир аҳоли хонадонларига етказиб берилди. Захирада 150 тонна кўмир сакланмоқда.